*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

• 2011 йил 1 февраль • сешанба • № 4 (731) • e-mail: info@press-iq.uz • www.minjust.uz




Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас.

Адлия вазирлигида

## Ўтган йилги ишлар сарҳисоб қилинди

**режалар белгиланди, вазифалар аниқланди**



**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ кенгайтирилган ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Р.Муҳитдинов бошқарган мажлисда адлия органлари ва муассасаларининг 2010 йил давомида амалга оширган ишлари сарҳисоб қилиниб, 2011 йилда қонунчилик ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш юзасидан муҳим устувор вазифалар белгилаб олинди.**

ҲАЙЪАТДА асосий эътибор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги **"Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади"** мавзуидаги маърузасида белгиланган вазифаларга қаратилди.

Таъкидланганидек, 2010 йилда адлия органлари томонидан "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда барча чора-тадбирлар кўрилиб, уларнинг ижроси таъминланди.

Ҳисобот даврида 1141 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, ҳуқуқий хулосалар берилган. Ундан ташқари, 319 та идоравий-меъёрий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилиб, 1 минг 293 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат ҳисобига олинган.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги фаолиятида йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши, шунингдек, ички ишлар органларининг ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазолар ижросини таъминлаш амалиёти устидан мониторинглар ўтказилди.

Фуқаролар, тадбиркорлар, хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўйича жами 8 мингдан ортиқ текширишлар ўтказилган бўлиб, 203 мингдан зиёд қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли қонуний чоралар кўрилиб, 7 минг 800 дан ортиқ айбдор шахс интизомий, 353 нафари маъмурий ва 29 нафари жиноий жавобгарликка тортилди, 472 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 1 минг 200 та ҳужжат ижроси тўхтатилган ва бекор қилинган, шунингдек, тақдимномалар асосида 21,9 миллиард сўм пул маблағлари ўз эгаларига қайтарилган.

Адлия органлари томонидан судларга жами 24 минг 719 та даъво аризаси киритилиб, уларнинг 94 фоиздан ошиғи қаноатлантирилди. Шу жумладан, фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб жами 5 минг 512 та даъво аризаси киритилган бўлиб, улардан 4 минг 527 таси қаноатлантирилган.

Ҳайъатда жамиятда ҳуқуқий онг ҳамда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ҳуқуқий тарғибот бўйича аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида 48 минг 400 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилганлиги ҳам алоҳида таъкидланиб, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"да ушбу тадбирларни янада такомиллаштириш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Йиғилишда адлия органлари тизимида ташкил этилган "Ишонч телефонлари"га келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш тизимини янада такомиллаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимизда иқтисодий ривожланишнинг негизи ҳисобланган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг сўзсиз ижросини таъминлаш чораларини кўриш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг иш юритувидаги мавжуд ижро ҳужжатларидан салкам 90 фоизининг ижроси таъминланганлиги айтиб ўтилди.

Ҳайъат йиғилишида, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" муносабати билан адлия органлари олдига қўйилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланиб, жойлардаги ҳудудий адлия органлари ва тизимга кирувчи муассасалар раҳбарлари томонидан ташаббускорликни ривожлантириш, 2011 йилда ҳам нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура йўналишларини янада такомиллаштириш юзасидан вазифалар белгиланди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

Эртага — Республика "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилган кун

## Оила осойишталиги — юрт ободлиги

*2007 йил 18 май Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.*

*2009 йил 13 апрель Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.*



*2009 йил 1 июль Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Қарори кучга кирди.*

*2009 йил 29 июль Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори кучга кирди.*

**ЭЪТИБОР ҚИЛГАНМИСИЗ, хоҳ кутубхонада бўлсин, хоҳ китоб дўконида — яхши асар ярқ этиб кўзга ташланади. Ўтган ҳафта худди шундай бўлди. Пойтахтнинг Навоий кўчасидаги китоб расталарини айланарканман, "Ҳаёт китоби" номли энциклопедик қўлланма эътиборимни тортди. "Оила" илмий-амалий маркази томонидан чоп этилган мазкур қўлланмадаги ҳуқуқий маълумотлар, маслаҳатлар ёш оилаларга кундалик турмушда ғоятда қўл келади. Китобни варақлай туриб, 2 февралда "Оила" илмий-амалий маркази ташкил этилганига 13 йил тўлиши ёдимга тушди.**

АНИҚРОҚ АЙТГАНДА, давлатимиз раҳбари томонидан 1998 йил — "Оила йили" деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг ўша йилнинг 2 февралидаги **"Республика "Оила" илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида"**ги қарорига асосан мазкур илмий муассаса ўз фаолиятини бошлади. Оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни асраб-авайлаш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонликларини ошириш муаммоларини илмий ўрганиш сингари эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда ташкил этилган мазкур Марказда амалга оширилаётган ишлар анчайин салмоқли.

— Ўтган давр мобайнида Марказ олимлари томонидан кўплаб фундаментал, илмий-амалий, инновацион ҳамда халқаро ҳамкорликдаги лойиҳалар амалга оширилди, — дейди Республика "Оила" илмий-амалий маркази директори Васила Каримова. — Эндиликда "Оила" марказлари оила муаммоларини ўрганиш баробарида уларнинг амалий ечимини топишда манфаатдор ташкилотларга яқиндан ёрдам беряпти. Айтиш жоизки, Фан ва технологиялар маркази томонидан эълон қилинадиган турли лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишда илмий муассасамиз алоҳида ўрин эгаллайди. Марказимиз тасарруфидаги аспирантура бўлимида оилашунослик борасида олий малакали мутахассислар тайёрланади. 2010 йилга қадар педагогика йўналиши бўйича 11 нафар ҳамда писхология йўналиши бўйича 10 нафар аспирант номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Марказ ходимлари томонидан кўплаб дарсликлар, қўлланмалар, монографиялар ҳамда "Оила кутубхонаси" сериясидаги рисолалар чоп этилгани ҳам қувонарли, албатта. Қолаверса, Марказ ходимлари томонидан даврий нашрларда эълон қилинган 400 дан зиёд илмий-оммабоп мақола ҳамда аҳолига бепул тарқатилган 250 дан зиёд буклет, ўйлайманки, мамлакатимизда мавжуд оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилади...

Кези келганда шуни ҳам айтиш ўринлики, **"Ўзбекистон ёшларида ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиришнинг янги педагогик-психологик технологияларини ишлаб чиқиш"** номли, **"Ўзбекистон минтақаларида демографик вазият ва репродуктив саломатликни ўрганиш орқали ёшлар ўртасида соғлом оилани шакллантириш механизмини яратиш"** номли лойиҳалар амалиётга татбиқ этилди. Бу ўз навбатида Марказ зиммасига юкланган вазифалар қай даражада бажарилаётганини яққол кўрсатиб турибди.

Ҳа, мамлакатимизда оилани ҳар томонлама муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаси саналади. Зотан, оиладаги тотувлик, соғлом муҳит инсоннинг меҳнат фаолиятидаги унумдорликни, жамиятдаги мавқеини оширишга хизмат қилади. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **"Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир".** "Оила" илмий-амалий маркази келгусида ҳам илмий-амалий ишлари билан юртимиздаги оилалар мустаҳкамлигини таъминлашга муносиб улуш қўшади, деган умиддамиз.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА, "Инсон ва қонун" мухбири**




## Рақам ва фаолият

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги 466-1-сонли **"Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури тўғрисида"**ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги 235-сонли қарори ва 2003 йил 27 августдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида"ги Низомга мувофиқ аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир давлат оргалари фаолиятини мувофиқлаштириш Адлия вазирлигининг энг муҳим вазифалари ва фаолият йўналишаридан бири этиб белгиланган.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга доир давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Адлия вазирлиги томонидан давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот ишлари умумлаштирилди.

Жумладан, 2010 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси томонидан 3-та, Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет) томонидан 19-та, Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси томонидан 333-та, Ўзбекистон нефт махсулотлари ва газдан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан 4833-та, Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш Давлат инспекцияси "Ўздавтемирйўлназорат" томонидан 129-та, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан 29940-та, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси томонидан 83441 та, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси томонидан 558-та, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ғимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 68-та, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди томонидан 37532 та, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан 39376-та, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан 464-та, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан 140710-та, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари Касаба уюшмаси Марказий Кенгаши томонидан 165 та, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 113-та, ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилган.

## Ҳуқуқий тарғибот: адлия идоралари, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузаси мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида Адлия вазирлиги масъул ходимлари ва Тошкент давлат юридик институти профессор-ўқитувчиларидан тузилган тарғибот гуруҳи яқинда Фарғона, Андижон, Наманган вилоятларида бўлишди.**

УШБУ ВИЛОЯТЛАРДА ўтказилган тадбирларда вилоятлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, ташкилот ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ОАВ вакиллари иштирок этишди. Мазкур йиғилишларда қарийб 4,5 минг нафардан зиёд зиёли қамраб олинди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз маърузасида мустақиллик йилларида босиб ўтилган йўл теран таҳлил этилиб, мамлакатни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича "ўзбек модели"нинг нақадар тўғри эканлиги холисона очиб берилганлигини таъкидлаш билан бирга, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари сифатида концепцияда белгилаб берилган энг муҳим йўналишлар ҳақида батафсил сўз юритдилар, маърузанинг мазмун-моҳиятини содда тилда, ҳаётий таҳлил қилиб тушунтирдилар.

Йиғилишларда сўзга чиққан мутахассислар ва маъсул шахслар ҳам концепциянинг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шу мавзудаги тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳам бўлиб ўтди.

**Адлия вазирлигининг Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси**

Қонун моҳияти

# Давлат мулкини хусусийлаштириш

## ва унинг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш — давр тақозоси

**МАМЛАКАТИМИЗДА демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш мулкчилик муносабатларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бизга маълумки, молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этишда ҳал қилувчи муҳим масалалардан бири мулкчилик муносабатлари барқарорлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир.**

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ И.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, "Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортиғини нодавлат сектор таъминламоқда. Тан олишимиз керакки, 1991 йилда қабул қилинган **"Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"**ги Қонун, ўтган давр мобайнида 80 тадан ортиқ қонуности ҳужжати унга уйғунлаштирилганига қарамасдан, бугун қайта кўриб чиқишни ва янги таҳрирда қабул қилишни тақозо қилмоқда. Мамлакатимизнинг стратегик муҳим тармоқлари ва корхоналарида акцияларнинг назорат пакети, таъбир жоиз бўлса, «олтин» акцияларни давлат ихтиёрида сақлаб қолган ҳолда, иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилиш ва уларда нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш зарур. Бунда бўлажак инвесторларнинг барча тоифаларига хусусийлаштириш жараёнларида тенг шароит яратишни таъминлаш, уларда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиқлиги ва ошкоралигини кўзда тутиш лозим".

Давлатнинг бош ислоҳотчилиги мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилишда ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Жамиятнинг иқтисодий негизларини мулк ташкил этгани боис давлат нафақат мулкнинг дахлсизлигини таъминлайди, қолаверса, унинг ҳимоясини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги **"Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ҳузурида давлат унитар корхоналари шаклида давлат мулкини ижарага бериш марказлари ташкил этилиб, унинг вазифалари белгилаб қўйилди. Ушбу қарорга мувофиқ давлат мулки юридик ва жисмоний шахсларга марказлар орқали ижарага берилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно. Давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тақдим этилган ҳамда Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги билан келишилган ижаранинг энг кам ставкаларини ҳисоблаб чиқиш асосида тегишли коэффициентлар белгиланган ҳолда ҳар йили 31 декабргача Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади. Марказларнинг транзит ҳисоб рақамларига тушадиган ижара тўлови маблағларининг 50 фоизи тегишли бюджет даромадига йўналтирилади, қолган қисми эса давлат мулкини балансида сақловчи ва марказ ўртасида тақсимланади. Мазкур қарор билан **"Давлат мулкини ижарага бериш тартиби тўғрисида"**ги Низом тасдиқланди ва унда Ўзбекистон ҳудудидаги давлат мулкини ижарага бериш тартибига оид бир қатор нормалар ўзининг ифодасини топди.

Давлат мулкини ижарага беришни ташкил этиш ва ижарага бериш, ижарага берилаётган давлат мулкини ва уни ижарага беришдан тушадиган маблағларни ҳисобга олиш ва мониторинг олиб бориш, ижарага бериладиган давлат мулки бўйича маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш, ижара объектларидан мақсадли фойдаланишни ва уларнинг сақланишини, шунингдек ижара тўлови ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини назорат қилиш, ижарага берилган давлат мулкини ҳар чоракда хатловдан ўтказиш билан боғлиқ бир қатор вазифалар амалга оширилиши давлат мулкини ижарага беришга оид муносабатларни тартибга солишга ёрдам беради. Энг муҳими, давлат мулки ижарасига оид муносабатлар субъектлари, яъни ижарага берувчи, балансда сақловчи ва ижарага олувчилар томонидан қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишининг таъминланиши давлат мулкидан ижара шартномаси асосида оқилона фойдаланиш имкониятини яратади. Давлат мулкини хусусийлаштиришнинг янги босқичида оммавий мулк объектларидан фойдаланишнинг ижара усули амалиётга самарали татбиқ этилиши иқтисодиётни ривожлантиришда ва инқирозга қарши чоралар дастурларининг ижросини таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Ўтган йиллар мобайнида хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий ва институционал асосларида рўй берган ўзгаришлар бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этди. Шунингдек, хусусийлаштириш объекти сифатида давлат мулкининг турлари, хусусийлаштириш шароитлари ва усуллари хусусийлаштиришнинг давлат дастурларини тайёрлаш ва қабул қилиш тартиби каби масалаларни қонун даражасида ифода этиш талаб этилмоқда. Бундан ташқари, давлат мулкининг алоҳида турларини — ер участкалари, ижтимоий соҳа объектлари, зарар кўриб ишлайдиган ва паст рентабелли корхона ва объектлар ҳамда чет элдаги давлат мулки объектларини хусусийлаштиришнинг хусусиятларини ифода этиши зарур. Хусусийлаштирилган давлат мулкидан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида бозор шароитида объектларни хусусийлаштириш шароитида иқтисодий ва ижтимоий омилларни инобатга олиш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Энг муҳими, хусусийлаштиришга оид қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш хусусийлаштириш жараёнларидаги субъектив ёндашувга барҳам беради, хусусийлаштириш таомили иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажмини тўлиқ белгилайди, ортиқча ҳаволаки нормаларсиз хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий воситасини кенгайтиради, унинг қоидаларини ошкора ва бир хил тарзда тушунишни таъминлашга хизмат қилади. Умуман олганда, давлат мулкини хусусийлаштириш инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизми орқали таъминланган тақдирдагина ўзининг самарасини бериши мумкин. Бу борадаги қонун ҳужжатлари диалектикаси кўрсатишича, устувор қонунга нисбатан қонун ости ҳужжатлари роли ошиб бораётганлигидан далолат бермоқда. Бу ҳол ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг устувор қонунчилик талабларига мос келмай қолди. Энг мураккаб томони шундаки, хусусийлаштиришга оид кўплаб қонун ҳужжатларининг мавжудлиги уни ижрочи ва инвесторлар томонидан амалиётга татбиқ этишда қийинчилик туғдиради. Бу ҳол давлат мулкини хусусийлаштиришга оид ҳуқуқий нормаларни оқилона тарзда тизимлаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Ушбу йўналишда қонун ижодкорлиги фаолияти бўйича амалга оширилаётган ишлар босқичма-босқич ижтимоий ҳаётга татбиқ этилаётганлиги ўзининг самарасини бермоқда. Энг муҳими, давлат улушини сотиш, корхонани мулкий комплекс сифатида олди-сотди шартномаси ҳуқуқий табиатини очиб бериш, қўшма корхоналар мулкчилик муносабатларини тизимли тадқиқ этиш, давлат активларини биржа ва биржадан ташқарида сотиш механизмларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот ишларини кучайтиришни тақозо этмоқда. Юқорида баён этилган масалалар бўйича хусусийлаштириш жараёнини ҳуқуқий таъминлаш борасидаги миллий қонунчилигимизда рўй бераётган янгилик ва ўзгаришлар хусусийлаштиришга оид қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этишнинг самарадорлигини ошириш учун хизмат қилади.

**Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,**
**юридик фанлари доктори, профессор**

---

**МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ субъектлари — жамият муносабатлари иштирокчилари бўлиб, меҳнат қонунчилиги билан тартибга солинадиган, меҳнат ҳуқуқлари ва мажбуриятларига эга бўлган ҳолда уларни амалга оширади. Фуқаролар, иш берувчилар, ходимларнинг вакиллик органлари, иш берувчиларнинг вакиллик органлари, давлатнинг иш билан таъминлаш органлари меҳнат ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ҳуқуқий хусусият — юридик мақомга эга бўлади.**

# Мажбурият ва муносабат

## уларнинг меҳнат ҳуқуқи субъектларидаги ифодаси

МЕҲНАТ КОДЕКСИНИНГ 2-бобига мувофиқ ходимлар, яъни белгиланган ёшга етган ҳамда иш берувчи билан меҳнат шартномаси тузган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар; иш берувчилар, (корхоналар, шу жумладан уларнинг алоҳида таркибий бўлинмалари ўз раҳбарлари тимсолида; мулкдорнинг ўзи айни бир вақтда раҳбар бўлган хусусий корхоналар; 18 ёшга тўлган айрим шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда), меҳнат жамоаси, касаба уюшмалари меҳнат ҳуқуқининг субъектларидир.

Фуқаролар иштирок этадиган ижтимоий муносабатларнинг энг кенг тарқалгани меҳнат муносабатларидир. У турли мулкчилик шаклига асосланган, хилма-хил усулларда хўжалик фаолият юритувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ишга кириш асосида вужудга келади. Шунингдек, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонунда чет эл фуқароларининг Ўзбекистон Республикасидаги меҳнат фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкинлиги қайд этилган.

Фуқаролар меҳнат ҳуқуқининг субъектлари сифатида муайян мажбуриятларни бажаришлари лозимлиги уларнинг меҳнат ҳуқуқий мақомининг энг муҳим таркибий қисмидир, ушбу мажбуриятлар меҳнат шартномаси ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган. Ҳар бир ходим қонуний мустаҳкамланган меҳнат ҳуқуқларига эга эканлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Меҳнат муносабатларининг иккинчи муҳим субъекти, иш берувчи ёлланма меҳнат муносабатларининг зарурий иштирокчиси саналади. Иш берувчи, яъни жисмоний, ақлий, касбий лаёқатга эга бўлган ва ўз иш кучини товар сифатида меҳнат бозорига олиб чиққан ҳар қандай жисмоний шахс билан шартнома тузишга, уни ишга ёллаш, зарур меҳнат шароитларини яратиб бера олиш, ўз вақтида иш ҳақи тўлаш, белгиланган кафолатларни таъминлай олиш лаёқатига эга бўлган томон меҳнат ҳуқуқининг асосий субъектидир. Иш берувчи меҳнат бозорида ва меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда икки шаклда намоён бўлади ва у юридик шахс мақомидаги корхона, муассаса, ташкилот кўринишида ёки 18 ёшга тўлган фуқаролик муомала лаёқатига эга бўлган фуқаро тарзида меҳнат муносабати томони сифатида қатнашиши мумкин.

Айни пайтда ўз олдиларига қўйган мақсад ва вазифаларининг ўзига хослигига кўра иш берувчилар ходимлари билан ўзига хос тарздаги меҳнат ҳуқуқий муносабатларга киришадилар. Бу хусусиятлар уларнинг умумий ҳуқуқий мақомини белгиловчи устав ёки низомларида, ички локал меъёрий ҳужжатларида ўз ифодасини топади.

Меҳнат муносабатларининг учинчи субъекти меҳнат жамоаси корхонада меҳнат қилаётган барча ходимлардан иборат. Корхона меҳнат жамоасига унинг мулкдори (агар у раҳбар сифатида корхонани бевосита бошқармаётган бўлса) киритилмайди. Корхона меҳнат жамоаси жамоа аъзоларининг умумий мажлисида ёки ходимлар вакилларидан иборат меҳнат жамоаси конференциясида корхонанинг ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига доир қарорлар қабул қилиши, ходимлар вакиллик органи сифатида иш кўриши мумкин.

Меҳнат муносабатларининг тўртинчи субъекти касаба уюшмалари — ёлланиб ишловчи ходимларнинг етакчи вакиллик органи сифатида халқ хўжалигининг барча тармоқларига мансуб бўлган корхона ва ташкилотларида иш олиб боради. Уларнинг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари ҳамда мазкур уюшмаларнинг устави билан белгиланади.

**Айгул ЮСУПБАЕВА,**
**Адлия вазирлиги Кадрлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари**

---

# Содда ва самимий мулоқотлар

## равон таҳлил ҳамда ташвиқотлар ўз самарасини беради

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган тадбир ўтказилди.**



УНДА Адлия вазирлиги масъул ходимлари, Шайхонтоҳур тумани ҳокимлиги, ФҲДЁ, нотариат органлари вакиллари ҳамда 500 нафарга яқин коллеж ва лицей ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбир давомида 2011 йилнинг 21 январь куни давлатимиз раҳбарининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги **"Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади"** мавзуидаги маърузаси мазмунига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, уларнинг шахсий фикрлаш қобилиятини юксалтириш, коллеж ва лицей ўқувчиларининг билим олиш жараёнини такомиллаштириш, ёшларни касбга тўғри йўналтириш, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчи ўқувчиларини иш билан таъминлаш борасида Юртбошимиз томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан тушунтиришлар берилди.

Учрашув мобайнида Президентимизнинг Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва НАТО билан муносабатларининг бугунги аҳволи ва ривожлантириш истиқболларига оид Брюссель ташрифи юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилиб, ёшларнинг бу борадаги мулоҳазалари янада мустаҳкамланди.

Тадбир давомида Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган мавжуд бешта лойиҳа юзасидан маълумотлар берилиб, ана шу лойиҳаларнинг бири бўлган "Ёш ҳуқуқшунослар" республика кўрик-танлови юзасидан тайёрланган махсус фильм ёшлар ҳукмига ҳавола этилди, Юридик соҳага ихтисослашган олий ўқув юртлари ўртасида ўтказилиши режалаштирилаётган "Балли ҳуқуқшунослар" кўрик-танлови юзасидан маълумот берилди. Шунингдек, ёшлар ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий адабиёт ва буклетлар тарқатилди.

Иштирокчилар орасидан "Ҳуқуқ билимдонлари" аниқланиб, уларга Адлия вазирлигининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тарғибот гуруҳининг ушбу йўналишдаги навбатдаги тадбирлари Фарғона ва Наманган вилоятларининг чекка туманларида ўтказилиши таъкидланди.

**Шохбол ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати ходими**

---

Лоқайдлик оқибати

# Сўнгги пушаймон ёмон...

**ОДАТИЙ иш кунларининг бирида хонамга 45-46 ёшлардан ошган аёл кириб келди.**

— КЕЧИРАСИЗ, янги оилаларнинг ҳужжатларини расмийлаштирадиган опа сиз бўласизми?

— Ҳа, уларни никоҳдан олдин тиббий кўрикка жўнатиб, никоҳ гувоҳномасини биз берамиз. Хўш хизмат?

— Тўғрисини айтсам, — деди аёл, эндигина 17 ёшга қадам қўйган қизимизни каттаю-кичик билан маслаҳатлашмасдан бир бой хонадонга тезда унаштириб, катта тўйга тайёргарликни бошлаб юбордик. Хаёлимда фақат бир ўй-куёвнинг онасига нима қилишим керак, отасига нима олишим керак, аммаю-холасигачи? Вақтим шу йўсинда 2 ой дўконма-дўкон айланишда ўтибди. Бир кун қизим келиб: Ойижон, коллежимизда "Ёш оила қурувчилар мактаби" деган дарс ўтадиган опа келиб тўйдан олдин келин-куёвлар ФҲДЁнинг йўлланмаси билан шифокор кўригидан ўтишлари керак деб айтганди. Бўлғуси куёвингизга шуни айтсам бизга шифокорнинг кераги йўқ, биз соппа-соғмиз, ойимга айтаман ўзи бу ёғини "қойиллатади" ёки сенинг соғлиғингда бирор муаммо борми, деб устимдан кулди, деганига ҳам эътибор бермабман. Худо сақласин, дегин қизим, мен ҳам соппа-соғман, деб жавоб бермадингми? Аммо қизим, ҳозир бу мавзуга вақтим йўқ, тўйдан кейин бир гап бўлар, омон-эсон элнинг олдидан ўтиб, қудаларнинг кўнглини кўтариб, тўйни ўтказиб олайлик, бу ёғи бир гап бўлар, дебман. Тўй-тўйдай бўлди-ю қудаларим қизимни бир пастда Тошкентга кўчириб кетишди. Орадан 2-3 ой ўтгач, қизимизни кўргани борсак, муштипар қизимнинг юзидан ранг қочган. Чеҳраси синиқ, кайфияти йўқ ҳолда бизни кутиб олди. Вой, қизим, қудалар қани, куёв қани, десам қайнотам ва қайнонам кечагина яна хорижга кетишди, куёвингиз уйда ётибди, деб йиғлаб юборди. Ойижон куёвингизнинг ёшлигидан ҳушидан кетиб йиқиладиган касали бор экан, биздан яширган экан, сизга тиббий кўрикдан ўтайлик деганимда аҳамият бермаган эдингиз...

Аёл ночор аҳволда, минг бир изтироб оғушида эди... Кўнгилсизлик, оилавий уқубатнинг олдини олиш мумкинлиги, бепарволиги панд берганини кеч англаб етди. Дарҳақиқат, бугун ота-оналар ўз фарзандлари соғлиғига эътиборсиз бўлмасдан, аввалambор қизларини мустақил ҳаётга тайёрлаш жараёнида ўта синчков бўлишлари зарур. Уларнинг соғлиғидан мунтазам хабардор бўлиш ҳамда бўлғуси куёвнинг соғлиғини ҳам суриштириб, бевосита кўпни кўрган нуронийлар билан маслаҳатлашиб, кейин тўй бошласалар мақсадга мувофиқ бўларди...

Аввало, янги ҳаёт остонасида турган ёшларимизга қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг ҳам ноўринлиги, бундай турмуш тарзининг салбий оқибатлари, никоҳгача тиббий кўрикдан ўтишнинг эса ҳар томонлама муҳим эканлигини, керак бўлса ҳар куни улар шуурига ақлий дарс сифатида сингдириш биз ота-оналардан ҳаётий масъулият талаб қилади.

**Зебинисо МИРЗАЕВА,**
**Нурота тумани ФҲДЁ бўлими мудири**

---

**ШАРТНОМА шартлари тарафларнинг келишуви асосида тузилиши кўпчиликка маълум. Ўз-ўзидан шартнома интизомига риоя этмаслик тарафларнинг жавобгарлигини юзага келтиради.**

Адлия аралашгач...

# Мансабдор шахслар

## жаримага тортилди...

2010 ЙИЛ давомида Андижон вилояти адлия бошқармасининг шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан 81 та хўжалик юритувчи субъектда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлиги ўрганилиб, улар томонидан тузилган 68 693 та шартнома кўриб чиқилди. Ўрганиш жараёнида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 12119 та ҳолатда шартномаларнинг тузилиши бўйича, 4 311 та ҳолатда шартномаларнинг бажарилиши бўйича қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Судларга 1 142 та 6 660 755 913 сўмлик даъво аризаси, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан эса тегишли идораларга 159 та тақдимнома, 179 та огоҳнома, 81 та кўрсатма ва 21 та талабнома киритилди.

Бу даъво аризаларининг 564 та — 1 486 546 814 сўмлиги фермер хўжаликлари манфаатларини кўзлаб, 487 та — 1 784 170 228 сўмлиги тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи корхоналар манфаатларини кўзлаб киритилган.

Бу даъво аризаларидан 901 та — 4 283 096 899 сўмлик қисми судлар томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди.

Жумладан, Избоскан туманидаги "Яккатут Абдуллажон" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб Избоскан туманидаги "Пойтуғ" АЖ жавобгарлигида 6 747 305 сўм асосий қарз, тўлов кечиктирилганлиги учун 728 708 сўм пеня ҳамда "Пилла" давлат корхонаси жавобгарлигида шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги натижасида юзага келган 920 190 сўм асосий қарз ва 460 095 сўм пеня ундириш ҳақида 2010 йил 20 сентябрда вилоят хўжалик судига киритилган даъво ариза кўриб чиқилиб, даъвони қаноатлантириш ва қарздорликларни ундириш юзасидан 2010 йил 15 ноябрда суд қарорлари чиқарилди.

Бўлим томонидан 2010 йил давомида ўтказилган ўрганишлар натижаси бўйича жами 21 та 4 291 861 287 сўмлик талабнома киритилган.

Жумладан, 2010 йил ҳосили учун Андижон ва Пахтаобод туманларидаги фермер хўжаликлари билан пахта хомашёси етиштириш бўйича тузилган шартномаларнинг бажарилиши мониторинг йўли билан таҳлил қилиниб, аниқланган ҳолатлар бўйича "Андижон-1" пахта тозалаш АЖга шартнома мажбуриятлари амалга оширилиши тўғрисида 1 239 496 000 сўмлик талабнома киритилиб, 685 487 210 сўм маблағ ундирилиши таъминланди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида масъул мансабдор шахслар шартнома шартлари бузилишида бевосита айбдор бўлганликлари аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этиш юзасидан прокуратура идораларига 9 та ҳолатда таклифлар киритилиб, 5 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди.



Вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" ОАЖнинг Қўрғонтепа тумани бўлимида ўтказилган ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 4 январдаги ПҚ-1253-сонли Қарори талаблари бузилиб, маҳсулот мунтазам равишда олдиндан 100 фоиз тўловсиз етказиб берилиши натижасида 2 327 921 000 сўм қарздорлик юзага келганлиги, шундан 195 829 675 сўмининг муддати ўтказиб юборилганлиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича Қўрғонтепа тумани прокуратурасига қонунбузилиш ҳолатлари бўйича жавобгарлик масаласини ҳал этиш юзасидан таклиф киритилди. Тўпланган ҳужжатлар Андижон вилояти прокуратураси томонидан "Қишлоқхўжаликкимё" ОАЖнинг Қўрғонтепа тумани бўлими мансабдор шахсларига нисбатан қўзғатилган жиноят ишига қўшилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

Шунингдек, бўлим томонидан шартномавий муносабатларнинг қонунийлигини таъминлаш борасида мансабдор шахслар томонидан қонунбузилишларга йўл қўйилганлик ҳолатларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ўтказилган тадбирлар натижасида масъул мансабдор шахслар шартнома шартлари бажарилишига бевосита айбдор бўлганликлари аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида 14 та таклиф киритилиб, 8 нафар шахс жавобгарликка тортилди.

Жумладан, Шаҳрихон тумани "Машина трактор парки" АЖда ўтказилган ўрганишда шартнома интизомига риоя этилмаслиги натижасида корхонада қарздорлик муддати ўтказиб юборилганлиги ҳолати бўйича маъмурий баённома тузилиб, кўриб чиқиш учун Шаҳрихон тумани ДСИга юборилди. Мазкур баённома асосида акциядорлик жамияти раиси А.Жўраев Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 175-моддаси, 30-қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида, яъни 452 160 сўм маъмурий жарима қўлланилди.

Бундан ташқари, Жалақудуқ тумани "Машина трактор парки" АЖ раиси Р.Ўринбаев ва бош ҳисобчи А.Курганбаев, "Қишлоқхўжаликкимё" ОАЖнинг Пахтаобод тумани бўлими мудири И.Қодиров Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-моддаси, 3-қисми билан айбдор деб топилиб, ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида маъмурий жарима қўлланилди.

Ўтган давр мобайнида Андижон вилояти адлия бошқармасига шартномавий муносабатларга оид 106 та ариза келиб тушган ва шикоятларнинг барчаси белгиланган тартибда кўриб чиқилди.

Келиб тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш натижаси бўйича судларга 32 та даъво ариза, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 5 та тақдимнома, маъмурий ва жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этиш юзасидан 7 та таклиф киритилди.

Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида фақат шартнома шартлари бажарилиши таъминланибгина қолмай, айни чоғда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳам тўла ҳимоя қилинишига эришилмоқда.

**Иброҳим ТУРҒУНОВ,**
**Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари**

Нуқтаи назар

# Адолат талқини

## Конституциямизда яққол намоён

**ЎЗБЕКИСТОН ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан дадил бормоқда. Бундай жамиятда қонун устувор саналади ҳамда ижтимоий турмуш асослари ва ривожланиш мезонлари Конституция тамойилларига мос тарзда яратилади. Аниқроқ айтганда, қонунийлик принципи Конституциямизнинг бош мезонидир.**

ОЛИЙ МАҚОМГА эга бўлган Конституция ва қонунлар давлатчиликнинг муҳим белгилари қаторига киради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш давлатнинг халқ олдида жавобгарлигини белгиловчи қонунийликнинг юридик асосларини, инсон ва фуқаролар ҳуқуқларининг устунлигига риоя қилиш механизмларини яратишдан бошланади. Қонунийлик — давлат, жамият ва фуқаролар ҳаётида қонуннинг намоён бўлишидир. Қонунийликнинг анъанавий талқини нуқтаи назаридан олиб қараганда, ҳуқуқнинг барча субъектлари қонунийликнинг ҳам субъектлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16-моддасида: **"Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас"** — деб белгиланган.

Конституция — нафақат асосий қонун, шу билан бирга муҳим ва алоҳида олинган ҳуқуқий акт ҳамдир. Конституция нормалари бошқа қонун нормаларидан устунлиги билан изоҳланади. Чунки Конституция бошқа қонунларга дастуриламал вазифасини бажаради. Давлатнинг бу асосий қонуни давлат ҳаётининг маълум бир томонини, ижтимоий муносабатларнинг маълум бир тармоғини эмас, балки муайян жамиятдаги ижтимоий муносабатлар тизимини ва давлат тузумининг энг муҳим, энг асосий томонларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Қонунчиликнинг барча тармоқлари конституциявий қоида ва принципларга таянади. Конституция қонунчилик тармоқларининг шаклланиши ва амал қилишида пойдевор ҳисобланади. Конституциянинг қоидалари ҳамиша раҳбарий, дастурий ҳамда йўналтирувчи мавқега эга. Жорий қонунлар у ёки бу даражада конституциявий қоидаларни ривожлантиради ҳамда ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилади. Мабодо, қонунлар Конституцияга зид келиб қолса ёки унда тамойиллардан чекинган ҳолда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бўлса, белгиланган тартибда бекор қилинади. Бошқа бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжат ўз юридик кучига кўра Конституциядан устун бўла олмайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш кераккки, Конституция — олий юридик кучга эга бўлиб, ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳалари фаолиятини тартибга солувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Бундан ташқари, Конституция ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда ўта муҳим ўрин тутади.

**Хайрулла ҚЎЧҚОРОВ,**
**ТДЮИ ўқитувчиси,**
**Фарруҳ СОЛИЕВ,**
**ТДЮИ магистри**

Акс-садо

# Одатми ёки бидъат?

БУГУН Сизларга мактуб йўллашга, газетанинг 2010 йил 26 октябрь ва 9 ноябрь сонларида чоп этилган Тамара Тиллаеванинг **"Маънавият қалбда илдиз отади"** номли мақоласи сабабчи бўлди. Мақолани нафақат ўзим, балки шогирдларим, яъни талаба-ёшлар билан биргаликда ўқидик.

Ушбу хатим орқали мен ҳам, миллатимизнинг бебаҳо қадриятларига таҳдид солаётган айрим иллатлар ҳақида азиз газетхонлар билан фикрлашишга жазм этдим.

Яқинда шаҳар марказида яшовчи қариндошларимникига тўйга бордим. Қизини узатаётган экан. Қуда томонга юборилаётган дастурхонларнинг саноғига етолмай, маҳалла дастурхончисидан секин сўрасам: "етмиштага бориб қолди, шекилли", деб бепарвогина жавоб берди. Алоҳида чиройли тугунларда куёв бола ва унинг ўртоқлари учун сигаретнинг тозасидан, ароқнинг "зўри"дан олиб келинган. Нима, бу қайнона-қайнотанинг куёв болага тилаб қоладиган "эзгу" ниятларимикан?! Ёки куёв тўра, ароқ ичиб, сигарет чекиб, ялло қилиб юраверинг, хотин болачақа бир гап бўлар, деганимикан?!

Қиз узатаётган ота-она тўйнинг "ширин ташвиш"ларидан бедор тонг оттирганликлари қизариб кетган кўзларидан кўриниб турибди.

Маҳалла маслаҳатчисига мулоҳазаларимни билдирдим. У эса кулиб қўйди-ю, "орзу-ҳавасда опажон, буни чеклай олмаймиз", деди, елкасини қисиб.

Буниси ҳали "хамир учидан патир" эди. Тўйдан кейинги томошаларни айтмайсизми? Кундалик "куёв зиёфат"дан ташқари, туғилган кунлар, байрамлар, "чақириқ" ва бешик тўйлар билан қариндошим шўрликнинг ҳолига маймунлар йиғлай бошлади. Чунки тўйдан кейинги барча совға-саломлар фақат қарз ҳисобига юборилган эди. Шундан сўнг ўз-ўзидан ҳаққоний савол туғилади. Нега маҳалла маслаҳатчиси тўғри "маслаҳат" бера олмади?

Яқинда худди шу маҳаллада мен гувоҳ бўлган ачинарли яна бир ҳолат кишини ларзага солади. Ўлим маросими билан боғлиқ "эҳсон"да бўлганимда, уни ҳашаматли тўйдан фарқлай олмадим. Хонадон аҳволини билмаганимда ҳам майли эди. Ота оламдан ўтган, она оғир касал, ака 1-гуруҳ ногирони, тўшакка михланган, бир этак болали келинлар уйда, ишлай олмайди. Катта меҳмонхонада қуюқ дастурхон. Уйнинг тўрида ўтирган отинча ая ҳаммани йиғлатадиган марсиялар айтмоқда.

Бу одатми ёки бидъатми, деб сўрадим ёнимда ўтирган маҳалла маслаҳатчисидан. У индамай елка қисди-ю, ўрнидан туриб кетди.

**Раъно ҲИММАТҚУЛОВА,**
**Фарғона политехника институти ўқитувчиси**

**ЧЎЛ ДЕГАНДА энг аввало, кўз олдимизга ер юзасининг сувсизликдан қақраб ётган маълум бир сатҳи, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган қум барханлари-ю, бир қарашда ҳаёт тўхтаб қолгандек туюладиган жазирама кенгликлар келади. Аслида чўллар она сайёрамизнинг сир-синоатга тўлиқ, қўйнида битмас-туганмас ер ости бойликлари яширин, ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эга, бетакрор гўзаллик жамланган мўъжизавий маскандир.**



# Она табиатнинг олтин тарозиси

## саҳролар бағридаги бойлик ва қудратли куч, мислсиз мўъжизалар хусусида

ЧЎЛЛАР ер юзидаги қуруқлик қисмининг 20 фоизидан кўпроғини эгаллайди. Нефть, табиий газ, темир, мис рудалари, олтин, вольфрам, уран сингари конлар, яъни фойдали қазилмалар асосан чўлларда учрайди.

Чўлларда жазирама кунлари энг юқори бўлган иссиқлик бутун жонзотни жизғанак қилса, тунлари ҳарорат нолдан ҳам паст даражага тушиши мумкин. Лекин табиат қанчалик бешафқат бўлмасин, ер юзининг бошқа ҳеч бир жойида учрамайдиган чўл наботот ва ҳайвонот дунёси ҳар бир дақиқада ҳаёт учун курашга шай туради. Қум кўчкилари, иссиқ гармсел, қора қуюнлар ва кўз очирмас бўронлар бу ердаги ҳаёт жараёнининг давом этиши учун монелик қилолмайди. Ҳатто шўрхок ва қум барханларидан иборат энг қийин чўл зоналарида, аҳён-аҳёнда бўлса ҳам айрим ўсимлик турлари ҳамда илон, тошбақа, кўрсичқон каби жониворлар учраб туришининг ўзи бир мўъжиза. Ҳайвонот дунёси хилма-хил. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, чўллар сайёрамиздаги табиий мувозанатни сақлашда муҳим аҳамиятга эга бўлгани каби, чўл ўсимликлари дунёси ҳам бу ердаги ҳаёт мувозанатини ушлаб туради.

Дунёдаги энг катта чўл шимолий Африкада жойлашган Саҳрои Кабир бўлиб, унинг ер майдони 7 миллион квадрат километрни ташкил этади. Иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган Гоби ҳамда Калахари чўллари 2 ва 1 миллион квадрат километрдан иборат. Сайёрамиздаги ҳарорати энг юқори, намгарчилиги энг паст жой Саҳрои Кабир номи билан машҳурдир. Дарвоқе, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида, хусусан, араб ва форс тилларида "чўл" маъносида ишлатиладиган "саҳро" сўзи бизнинг ўзбек тилимизда ҳам айнан шу маънони билдиради. Саҳрои Кабирнинг айрим жойларида ҳаво ҳарорати 56-58 даражага кўтарилади. Саҳрои Кабирда шамол эсиши одатдан ташқари жуда кучли. Унинг тезлиги сониясига 50 метрни ташкил этади.

Маълумотларга асосланиб айтадиган бўлсак, сониясига 30 метр тезликда эсадиган шамол тўфон, деб аталади. Бу ҳолатнинг гувоҳи бўлган карвонбошиларнинг ҳикоя қилишларича, баъзи пайтларда саҳро шамоли оғир туя жабдуқларини 200 метр узоқликка учириб, катталиги тухумдек келадиган тошларни бамисоли нўхатдек чирпирак қилади.

Лекин ҳаво очиқ кунлари, саҳродаги қуёш ботиш манзарасидан гўзалроқ манзарани дунёнинг бошқа ҳеч бир еридан топиб бўлмайди. Саҳронинг яна бир синоатга тўлиқ, сеҳрли ажойиботи — саробдир. Чўлда узоқ вақт қолиб кетган одам, албатта, бу ғаройиб ҳолатнинг гувоҳи бўлиши мумкин. Тиниб-тинчимас тадқиқотчилар саробни, киши руҳан ва сувсизликдан толиққанда бош мияда рўй берадиган ўзгаришнинг натижаси, деб талқин этишса, маҳаллий аҳоли бу ажабтовур ҳолат ғайритабиий кучлар, яъни бизга ёндош оламнинг бир дақиқалик кўриниши, дея изоҳ беришади. Сароб билан боғлиқ сирли ҳодисани тадқиқ этишни тегишли мутахассисларга берсакда, энди мамлакатимиздаги чўлларга қайтсак.

Қизилқум Амударё ва Сирдарё оралиғида — Ўзбекистон, Қозоғистон ва қисман Туркманистон ҳудудида жойлашган бўлиб, Марказий Осиёдаги энг катта чўл зонасидир. У шимоли-ғарбдан Орол денгизи, шарқдан Тяньшан ва Помир — Олой тоғ тизмалари билан чегарадош. Жаннатмакон юртимизнинг ҳатто чўллари ҳам тароватли, фусункор. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ер юзидаги бошқа чўлларга нисбатан жуда бой. Масалан, Қизилқумдаги бутун ҳайвонот дунёсининг биологик массаси тундра, тайга ва ўрмонли тайгаларнинг ҳайвонот дунёсига нисбатан анча оғир экан.

Қизилқумда жайрон, сайғоқ, тулки, бўри, қуён, олақўзан, чўл мушуги каби ҳайвонларни ва саксовул тўрғайи, бургут, чил, лочин, бойқуш, укки ва бошқа шу каби ноёб қушларни кўплаб учратиш мумкин. Маълумотларга кўра, илгари бу ерларда қоплон, тўқайзорларда эса йўлбарслар ҳам яшаган. Ўсимлик дунёси хилма-хил, оқ ва қора саксовул, қизилча, юлғун, қандим, кейреук, шўра каби озуқабоп ўсимликларга бой. Қизилқум кенгликларида майин жунли ва дунёга машҳур қоракўл қўйлар боқилади. Ҳозирда Марказий Осиё "Саҳрои Кабири" одамлар билан гавжум: чўпон ўтовлари, геологлар, маъдан қазувчилар ва оддий табиат ишқибозлари...

Қадимда бу ерлардан Буюк Ипак йўли ўтган. Саҳро сукунатини бузиб не бир карвонлар юрмаган, дейсиз. Қизилқум чўлларида ҳозирги кунга қадар қадимда аждодларимиз қурган сардобалардан тўққизтаси сақланиб қолган.

Баҳор ойларида Қизилқум сарҳадлари, гўё она табиатнинг моҳир қўллари ясаган қип-қизил гилам билан қоплангандек, гулу чечаклар билан безанади. Бу ердаги баъзи бир ўсимлик турлари Ўзбекистоннинг "Қизил китоби"га киритилган. Хусусан, дунёнинг ҳеч бир жойида учрамайдиган "Лиман", "Буза", "Сўғдиона" лола турлари шулар жумласидандир.

Охирги ўн-ўн беш йиллар ичида сайёрамиздаги чўл ҳудудлари кенгайиб, ундаги биологик жараён тобора пасайиб бораётганлиги дунё ҳамжамиятини ташвишга солмоқда. Айни пайтда бу долзарб масалага бизнинг мамлакатимизда ҳам катта эътибор қаратилиб, БМТ, жамоатчилик ва илмий ташкилотлар иштирокида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан БМТ Тараққиёт дастури, Глобал экологик жамғарма ва Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорликдаги "Қорақалпоғистон Республикаси ва Қизилқум чўлидаги таназзулга учраган ерларда экотизим барқарорлигини таъминлаш" лойиҳаси бўйича аниқ чора-тадбирлар йўлга қўйилган. Конституция ва табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ бир қатор қонун ҳужжатларида белгиланган қоидалар ҳаётимизга татбиқ этилган.

Чўлларнинг кенгайиши, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг камайиб, табиий яйловларнинг қисқариб бориши бугунги кунда барчамизнинг олдимизда турган энг долзарб миллий муаммо ҳисобланади. Бунинг сабабларидан бири турғунлик йилларида юртимиздаги дарё сувларидан ва бошқа табиий бойликлардан режасиз фойдаланилганлиги бўлса, яна бир асосий сабаб маҳаллий аҳоли томонидан ноёб ўсимликлар ёқилғи мақсадида кесиб юборилиши, табиий яйловларда мол боқиш технологиясининг бузилиши оқибатида чўллардаги экологик мувозанат издан чиқмоқда.

Афсуски, бундан атиги бир неча ўн йиллар аввал Қизилқум кенгликларида кўрган кўзни қувонтириб, яйраб юрган сайғоқлар подасини бугунги кунда камдан кам учратасиз. Бебаҳо миллий бойлигимиз бўлган ноёб ҳайвон ва қушлар броконерлар томонидан беаёв қириб юборилмоқда. Кези келганда тан олиб айтадиган бўлсак, ҳаммамиз бир зум бўлса ҳам тоза ҳаводан нафас олиш мақсадида табиатнинг сўлим гўшаларига ошиқамиз. Унинг неъматларидан тўлақонли баҳраманд бўлиш учун керак бўлса-бўлмаса нодир ўсимликларни таг-томири билан қўчоғимиз тўлгунича қўпориб оламиз, камёб арча дарахтларини ёқамиз... Қайтаётганимизда эса у бағрида биз қолдирган бир уюм чиқиндилар билан ортимиздан кузатиб қолади.

Табиат шафқатсизликни ёқтирмайди, дейди донишмандлар. Ер юзида содир бўлаётган турли хил табиий офатлар, экологик мувозанатнинг бузилиши оқибатида келиб чиқаётган касалликлар, балки табиатнинг биз инсониятга бераётган жавобидир.

Хуллас, чўлларга ҳам, бағрида ҳаёт мувозанатини сақловчи сир-синоатлар яширин саҳроларга ҳам биз инсоний, яъни ҳаёт давомийлигини ўйлаб муносабатда бўлолмасак эртага нима бўлиши мумкин? Табиатда ҳеч бир нарса бежиз пайдо бўлмайди. Уммонлар ҳам, тоғлар ҳам, жумладан саҳро-ю чўллар ҳам...

**Фарида ҚОРАҚУЛОВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**


**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Фарғона вилоятида**
Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент вилоятида**
Юқоричирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Оққўрғон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қорақалпоғистон Республикасида**
Хўжайли туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрткўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тўрткўл туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Андижон вилоятида**
Андижон шаҳар 12-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Пахтаобод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Бухоро вилоятида**
Ромитан туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Когон шаҳар 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Навоий вилоятида**
Зарафшон шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Наманган вилоятида**
Наманган шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Янгиқўрғон туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Фарғона вилоятида**
Фарғона шаҳар 11-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қува туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Қашқадарё вилоятида**
Қарши шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент вилоятида**
Паркент туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Юқоричирчиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қибрай туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Олмалиқ шаҳар 5-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент шаҳрида**
Шайхонтоҳур туман 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*

*2. Паспорт нусхаси;*

*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*

*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*

*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*

*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2011 йил 28 февраль)**
**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

Газетанинг 2011 йил 18 январь 2-сонида чоп этилган шу тахлитдаги эълонда берилган "Қарши шаҳар 8-сон" сўзлари "Қарши шаҳар 6-сон" деб ўқилсин.


Ҳуқуқий маърифат

# Меҳнат низолари

## ва уларнинг қонуний ечимлари

**ХАЛҚИМИЗДА азалдан меҳнат улуғланади, у нафақат тирикчилик воситаси, балки маънавий жиҳатлари билан ҳам аҳамиятли саналади.**

БОШ ҚОМУСИМИЗДА ҳар ким меҳнат қилиш ҳуқуқига эгалиги қатъий мустаҳкамлаб қўйилган. Меҳнат муносабатларида кузатиладиган турли ҳолатларнинг қонуний ечимлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида аниқ белгиланган.

Албатта, меҳнат фаолияти жараёнида жисмоний ва юридик шахслар ўзаро муносабатга киришади. Баъзан бир-бирига нисбатан баҳсли ҳолатлар пайдо бўлиб қолади. Меҳнат кодексининг XV бобида меҳнат низолари хусусида қайд этилган зарур қонуний меъёрлар билан таниш бўлган ва бу меъёрларнинг мазмун-моҳиятига етарлича тушунган киши бундай баҳсли ҳолатларда ўз ҳуқуқини амалда қўллаш жиҳатидан қийналмайди.

Хусусан, якка тартибдаги меҳнат низолари дейилганда иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шартларини қўллаш юзасидан келиб чиққан келишмовчиликлар тушунилади. Ходим меҳнат низосини ҳал қилиш учун ўз хоҳишига кўра, меҳнат низолари комиссиясига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Меҳнат низолари комиссиясининг қарори далиллар билан исботланган ҳамда меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларга, меҳнат шартномасига асосланган бўлиши керак. Комиссиянинг пул ундириш талабларига оид қарорида ходимга тегишли сумма аниқ кўрсатилиши лозим. Мазкур қарор мажбурий кучга эга бўлиб, бирор-бир тарзда тасдиқланмайди.

Шу ўринда судга ёки меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этишнинг аниқ муддатлари белгиланганига эътибор қаратиш жоиз. Бу қуйидагилардан иборат:

ишга тиклаш низолари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой; ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш ҳақидаги низолар бўйича — зарар етказилганлиги иш берувчига маълум бўлган кундан бошлаб бир йил; бошқа меҳнат низолари бўйича — ходим ўз ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб уч ой.

Ушбу моддада белгиланган муддатлар узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, бу муддатлар суд ёки меҳнат низолари комиссияси томонидан қайта тикланиши мумкин.

Ходимнинг соғлиғига етказилган зарарни қоплашга доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун муддат белгиланмайди.

Шу ўринда мавзуга оид айрим мисоллар келтириб ўтмоқчимиз.

Тошкент шаҳар Меҳнат низоларини кўриш масаласи меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси томонидан фуқароларнинг корхона ва ташкилотлардан ойлик иш ҳақини вақтида ололмаётган мурожаатлари атрофлича ўрганилиб, иш ҳақи ундириш ва ишга тиклаш масалаларига алоҳида ёндашилади.

Жумладан, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган МЧЖ "Пикотекстил" корхонасида ишлаган фуқаро С.Гулямованинг ёзма мурожаатидан сўнг корхонада ишлаган даври учун иш ҳақи ва фойдаланилмаган меҳнат таътили пуллари ундирилган.

"Сай Хао" МЧЖ томонидан меҳнат бўйича ҳақ-ҳуқуқлари бузилганлиги, корхонадан меҳнат дафтарчасини олмаганлиги ҳақидаги аризаси кўрилиб, фуқарога тегишли меҳнат дафтарчасини корхона томонидан қайтариб берилиши таъминланди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, ходимлар меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича судга мурожаат қилганларида суд харажатларини тўлашдан озод этилиши юртимизда инсон ва унинг меҳнати қадрланишининг яна бир ифодасидир.

**Мухлиса ПАТТАЕВА,**
**Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси инспектори**




**ЗАМАХШАРИЙ ЎГИТЛАРИ**

*Хоразмлик машҳур олим, адиб ва шоир Абул-Қосим Маҳмуд ибн Умар аз-Замахшарий (1075-1144)*

***Ёки илмли бўл, ёки илмга таяниб иш тутадиган бўл, лоақал илмни тинглаб эшитадиган бўл, бироқ тўртинчиси бўлма, чунки касодга учраб ҳалок бўласан (жувонмарг бўласан).***

***Агар сенга нисбатан ўз биродаринг бирор хиёнат қилса, унга яқинлашишдан ўзингни тий, унинг макру ҳийласидан ўзингни муҳофаза этишга ҳаракат қил.***

***Тўғри ва ҳақ йўлдан юрган кишининг юриши арслон юришидан кўра ҳам маҳобатлироқ (ҳайбатлироқ)дир.***

***Ҳалол-покиза киши доимо хотиржаму тинчликдадир, бировга хиёнату ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтордир.***

***Одамлар ичида энг ярамаси хасисдир, уларнинг ичидаги энг ялқови пасткашидир. Пора фақат ноҳақлигу золимларга ёрдам бергувчидир.***

***Кўпинча тил билан етказилган жароҳат, қилич билан етказилган жароҳатдан оғирроқдир.***

***Қуёш нурларини беркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироғини ҳам сўндириб бўлмас.***

Журналист касбини ўзгартиради

# Одамлар нима дейди?



**КАТТА КЎЧАДАГИ тирбанд машиналар ҳаракати ва шовқини йўлакларда қаергадир шошиб кетаётган одамлар оқими билан қоришиб, гўё пишқириб оқаётган дарёни эслатади.**

ОДАМЛАР бир-бири билан тўқнашиб кетишади, таниш-билишлар нималарнидир гаплашишади, кейин яна ўз йўлларида давом этадилар. Пойтахт Курантлари соат саккизга бонг уриши билан мен ҳам ана шу оқимга, машиналар оқимига қўшилиб кетаман.

Таҳририятдан топшириқ олганман. Бир кунга касбимни ўзгартириб, киракашлик қилишим керак. Бу ҳамюртларимизни ўрганиш, улар билан ҳамнафас бўлиш учун зарур.

...Пойтахтнинг гавжум бозорида жойлашган, пештоқига зарҳал ҳарфлар билан "Бахтли жўжа" деб ёзилган ошхонадан шошилиб чиққан икки аёл биринчи мижозим бўлди. Кулгим қистайди. Кафенинг номи "Бахтли жўжа" экан. Қозонга тушиб, қовурилишини билган жўжа бахтлиман, деб турганмикан? Бу лавҳани осишга жазм қилганлару шу номни тасдиқлаган идорадагиларга "қойил" қолиш керак.

Бироз ширакайф аёл шеригига тинмай ўз турмуши, бозорнинг гавжум жойларидаги савдо дўконларидан келаётган мўмай даромадлари ҳақида мағрурланиб, гапириб келарди.

— Буларнинг барчасига тадбиркорликни пухта йўлга қўйганим, уддабуронлигим эвазига эришяпман, ука, — деди менга худди эски танишлардай. — Илгарилари машина, уй олишни-ку, қўяверинг, бирон ортиқча нарсанг бўлса қаердан олдинг дейишарди, энди эса меҳнат билан топдингми, ҳалолинг бўлсин, дейишяпти...

Йўлда Йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари тўхтатди. Машина ҳужжатлари билан танишгач, одам ташиш ҳуқуқини берувчи лицензиям бор-йўқлигини сўрашди. Таҳририят топшириғи билан бир кунга касбимни ўзгартиришим юзасидан берилган ҳужжатни кўрсатиб, вазиятни тушунтирганимдан сўнг оқ йўл тилашди.

Яна йўлга кўз тикаман. Кутилмаганда қўл телефоним жиринглаб, йўл четига тўхташимга тўғри келди. Синфдошим Собир экан. Поезд вокзалида бировнинг телефонидан қўнғироқ қиляпти экан. Овози ҳазин ва ташвишли. Тезда етиб боришимни илтимос қилди. Кўришмаганимизга ҳам бир йилча бўлганди. Тинчликмикин?

Собир мени шундоқ йўл четида кутиб турган экан. Унинг аянчли ҳикоясини эшитиш бундан ҳам оғир кечди. Айтишича, қўшниси Баҳодир ака у сингари тўрт норғул йигитни танлаб, Россияга ишга олиб кетибди. Ўрмонлар билан қуршалган олис бир жойда уларнинг паспортларини иш берувчи бўлган бир кимсага топшириб, ўзи ғойиб бўлибди. Аслида бу номард уларни сотиб кетган экан. Шундай кунларнинг бирида у бир шериги билан деразадаги темир панжарани бузиб қочишибди. "Қочган ҳам, қувган ҳам худо дейди" деганича бор. Кейин, бир пайтлар Ўзбекистонда яшаб, сўнг Россияни ватан тутган бир аёлнинг ёрдами билан поездда бир амаллаб юртга қайтибди.

— Кўр эканман, кўзим энди очилди, нима ишлайман десам, ўз юртимда иш топилмасмиди, менга жаннат ваъда қилганларнинг гапига лаққа тушибман-а, — дейди Собир.

...Уни қишлоғимизга қатнайдиган енгил машиналардан бирида кузатиб қўйдим.

Чилонзор метросидан сал наридаги бозор бекатида турган одмигина бир киши қўллари бандлиги боис, боши билан машинамга имо қилди. Тўхтадим. Манзилни айтиб, дардини достон қилди.

— Ука, вақт дегани бармоқларим орасидан оқаётган қумга ўхшайди. Оёғим ердан узилиб, одамгарчиликдан чиқиб кетган пайтларим ёлғиз ўғлим гиёҳвандлик балосига дучор бўлди-ю, хотини ҳамда икки ўғлини менга омонат қолдириб дунёдан кўз юмди-кетди. Тўғрисини айтсам, бир пайтлар жуда кўп одамларни ранжитган эканман. Бир кам дунё деб бекорга айтишмаган экан. Соямга соябон тутиб юрган эски қадрдонларим амалдан тушганимдан сўнг мендан юз ўгириб кетишди.

Йўл юрган дарё, ўтирган бўйро деб бекорга айтишмаган экан. Ҳар хил одамлар дуч келди.

Талаба қизни Ёшлик шаҳарчасидан Ҳадра майдонигача олиб келиб қўйдим. Университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирибди. Грантга. Ўз билими билан. Отаси ҳайдовчи, онаси уй бекаси экан.

— Аэропортга ҳайданг... Кеч қолмайлик болам, — дейди ёши етмишлар атрофидаги онахон.

Йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетдик. Бухородан экан. Набираси спортнинг гимнастика тури бўйича олимпия чемпиони бўлибди. 17 яшар қизнинг ютуғидан кўнглим яйради. Истиқлол ёшларимизга кенг эшик очди.

Кайфиятим чоғ, бугунги ёшларнинг ютуғи борасида суҳбатлашиб яна бир йўловчини аэропортдан олиб Қўйлиқ даҳаси томон юрдим:

— Ишлайман, изланаман деганга мустақиллик имкон берди, — дейди сурхондарёлик Раҳмон ака. — Мана, масалан, қўшним Эгамберди полвоннинг ўғли математика фани бўйича халқаро олимпиада ғолиби бўлиб қайтди. Тоштемир полвонни энди яхши танийсиз, унинг кечаги олимпиададаги ютуғини кўринг. Энг муҳими, одамлар ишлашни ўрганди, берсанг еяман, урсанг ўламан, деган боқибеғамликдан қутулди. Мен буни ўзим яшаётган қишлоқ ва туман миқёсида айтаяпман.

Қор гупиллаб урмоқда. Кеч кирди. Равон кўчалар, турнақатор савдо расталари, баланд қаватли турар-жой биноларидан таралаётган нурда заминни покликка буркаётган қор ёғдуси киши дилини ўзига оҳанрабодек тортмоқда. Бу орада икки қашқадарёлик Тошкент Тиббиёт академияси талабасини маст ҳолатида ётоқхонасига, айтишича, икки ойдан бери маошини ололмаётган электроппарат корхонаси ишчисини "Сувсоз" даҳасига, бозордаги гўшт мажмуаси қассобларининг қаллоблигидан нолиган Вазира опани "Фарғона йўли" кўчасига, ўзбек тилини рус тили билан аралаштириб, янги номаълум тил кашф қилиб кетаётган бир икки нафар ёш йигитчани "Паркент бозори"гача элтиб қўйдим... Таксичиликда яхшигина даромад қилса бўларкан.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ёнидан ўтатуриб, бир ёши улуғ одамни "Оқлон" маҳалласига олиб боришга тўғри келди. Ҳойнаҳой, маҳалла фаолларининг йиғинидан чиқиб келаётган бўлса керак кайфияти чоғ экан, суҳбатимиз қизиб кетди. Бу одам қатъиятли, етти ўлчаб бир кесадиган, мулоҳазали инсон экан. Абдулла Қаҳҳор, Чехов асарларига шайдолиги, "Бемор", "Ўғри", "Ёвуз ниятли киши" ҳикояларининг мазмуни ҳақида анча жойгача гапириб борди.

Хуллас, бир кунда турфа хил одамларни кўрдим. Метро бекатларининг бирида икки жувон қўл кўтарди. Қизиқ, ҳе йўқ бе йўқ, вақтингиз бўлса бир жойга бориб "ўтирайлик" дейишди. Довдираб қолдим. Вақтим йўқ дедим.

Ярим тундан ўтганда кўчада валақлаб юрган қора кўз, қора қош қизларга (нима бало буларнинг ота-онаси йўқми) дуч келдим. Ор-номус учун шаҳар четидаги ҳовлисигача олиб бориб қўйдим. Кечаси бундай юрманглар, уят бўлади, дедим. Улардан бири: — Аравангизни тортаверинг амаки, — деб шартта эшикни ёпиб чиқиб кетди. Ана шундай гаплар...

Эртага яна йўлга чиқаман. Олдимдан бу гал шўх-шодон кишилар чиқишига, уларнинг бугунги ёруғ кунларимиз, бўлаётган ажойиб-ғаройиб яхши ва тиниқ воқеалар тўғрисида гапиришларига ишонгим келаяпти.

**Умид СОРИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**




Эҳтиром

# Уч авлод устози



## Сермашаққат ва шарафли йўл

**ШУНДАЙ инсонлар борки, уларнинг ҳаёт йўлларига барча ҳавас қилади, ўзлари ҳамманинг ҳурмат-эҳтиромига сазовор бўлади. Ана шундай инсонлардан бири Тошкент давлат юридик институтининг қадрли устозларидан Қодир Эрназаровдир.**

ТАБАРРУК 85 ёшни қаршилаган Қодир ота умрининг қарийб 55 йилини Тошкент давлат университетининг юридик факультетида, сўнгра шу факультет негизида ташкил топган Тошкент давлат юридик институтида юксак малакали ҳуқуқшуносларнинг уч авлодини ўқитиб, тарбиялашга бағишлади.

Камтарин устозимиз сермашаққат, аммо шарафли ҳаёт йўлини босиб ўтди. У 1926 йилнинг 5 январида Хива шаҳрида "Гужумбойлар" деб ном чиқарган зиёли савдогар оиласида туғилди.

1943 йили иккинчи жаҳон урушига 17 яшар Қодир оға ўз истаги билан армия сафига кетди.

У машъум уруш фожиалари ҳақидаги "Бу менинг ёшлигим", "Дўстларимни излаб", "Урушда қолган ёшлик", "Урушда нималар бўлмаган дейсиз?", "Тепалик" номли хотира китобларининг муаллифидир.

Мустақил республикамиз учун малакали кадрлар тайёрлашни ўзининг муқаддас бурчи деб билган домла талабалик йилларидан бошлаб, ҳозирги кунга қадар жамоатчилик ишларида ҳам фаол қатнашиб, нафақат институтда, балки республика аҳолиси ўртасида олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ишларда сидқидилдан иштирок этмоқда.

Давлатимиз томонидан унинг мураббийлик, маърифат ва жамоатчилик соҳасидаги узоқ йиллар давомида қилган фидойи меҳнати қадрланиб, "Ўзбекистон Олий таълими аълочиси" унвони, "Жасорат медали" ва "Фахрий ёрлиқ"лар билан тақдирланди.

85 ёшни қаршилаган устоздаги ўзига хос ижтимоий фаоллик, қатъият, фидокорлик ва талабчанлик ҳамон кучли. Уруш ва меҳнат фахрийси, тарих фанлари номзоди Қодир Эрназаров мустақил Ўзбекистон келажаги бўлган баркамол авлодни тарбиялаш ишларига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Биз домлага узоқ умр, сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат тилаб "Ҳорманг устоз, 85 ёшингиз муборак бўлсин!" — деймиз.

**Тошкент давлат юридик институти жамоаси**

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 14 январдаги №17-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HARBIY XIZMATCHILAR ISHLARI BO'YICHA MAXSUS" адвокатлар ҳайъати адвокати Эргашева Раъно Убайдуллаевнага Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 9 июлда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 17 январдаги №21-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HARBIY XIZMATCHILAR ISHLARI BO'YICHA MAXSUS" адвокатлар ҳайъати адвокати Норбутаев Норбек Дурмановичга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 19 июнда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 17 январдаги №21-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HARBIY XIZMATCHILAR ISHLARI BO'YICHA MAXSUS" адвокатлар ҳайъати адвокати Джаббаров Намурат Кушаковичга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 12 февралда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

* * *

Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2011 йил 17 январдаги №19-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "HAQIQAT SINMAS" адвокатлик фирмаси адвокати Усманов Акрам Буриевичга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2010 йил 13 июлда берилган адвокатлик мақоми адвокат томонидан уч ойдан ошмайдиган муддатда амалга ошириладиган бошқа адвокатлик тузилмаси ташкил этилгунига қадар ёхуд мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан адвокат Икрамов Баходир Абдусатторовичга 2010 йил 27 август куни берилган NA 000117-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

**ИНСОН ва ҚОНУН**

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

**Бош муҳаррир:** Қўчқор НОРҚОБИЛ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Раҳмонов Абдукамол Шодиевич, Султонов Алимқул Тошбекович, Тўраев Тўра Эргашевич, Саидов Шокир Камолович, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

**Навбатчи:** Ёрбек ИСКАНДАРОВ

**Саҳифаловчи-дизайнер:** Тўлқин РАУПОВ

**Индекс: 646882**

**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Буюртма j-1017. **Тиражи — 22146**. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00 — тижорат мақола. t

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.**
**Тел: 233-95-31,**
**Факс: 233-84-50**
e-mail: info@press-iq.uz